

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, НУКУС ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.20.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКТУРСЫНОВА ЛАЛАХАН ХОЖАНАЗАРОВНА

**ПЕДАГОГИК ФАСИЛИТАЦИЯ ВОСИТАСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ
ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Бектурсынова Лалахан Хожаназаровна

Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг

ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш 3

Бектурсынова Лалахан Хожаназаровна

Совершенствование учебно-познавательной деятельности

студентов посредством педагогической фасилитации 23

Bektursinova Lalakhan Khojanazarovna

Improving students' cognitive activity through pedagogical

facilitation 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, НУКУС ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.20.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКТУРСЫНОВА ЛАЛАХАН ХОЖАНАЗАРОВНА

**ПЕДАГОГИК ФАСИЛИТАЦИЯ ВОСИТАСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ
ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС–2019

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишнинг янада чуқурлашуви, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун зарур ижтимоий фаол фуқаролар – юқори савияга эга мутахассисларни, меҳнат бозорида рақобатбардош ва бозор муносабатлари шароитида ҳамкорликдаги фаолиятга қодир шахсни тайёрлаш зарурати педагогик кадрларни тарбиялаш муаммосини янада долзарблаштирмоқда. Айниқса, педагог кадрларни тайёрлаш халқаро дастурида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришни “фикрий амалиёт”га (reflective practitioner) йўналтирилган тактикасини такомиллаштириш, ижодий ва рационал ёндашув уйғунлигини таъминлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Дунёда педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, фасилитацион ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-эмоционал интеллектни ривожлантиришнинг фасилитатив технологияларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, талабаларнинг когнитив ва ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантиришнинг касбий-педагогик технологияларини ишлаб чиқиш, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий имижини шакллантиришнинг рефлексив механизмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айниқса, педагогик фасилитация воситасида педагогика олий таълим муассасалари талабаларида толерантлик маданиятини тарбиялаш, интерфаол таълимни ташкил этиш ва амалга оширишнинг инновацион компетентлигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсати изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, таълим-тарбия тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида янги босқичга кўтариш, педагог кадрлар тайёрлашнинг инновацион механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга доир кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, педагог кадрлар тайёрлашнинг инновацион тизимини ишлаб чиқиш, педагогика соҳасидаги илмий тадқиқотларни истиқболли мақсадларни кўзлаб амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”¹ каби муҳим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

вазифалар белгиланди. Бу эса, олий таълим сифати ва самарадорлигини оширишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим олувчиларнинг ўқув-билишга қизиқиш ва эҳтиёжини барқарор ривожлантиришнинг назарий-тарихий асослари Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Бурхониддан Зарнужий каби Шарқ мутафаккирларининг қомусий асарларида ёритиб берилган.

Республикаимиз олимларидан Р.Ҳ.Жўраев, О.Мусурмонова, Р.Ғ.Сафарова, Ф.Р.Юзликаев, У.Ш.Бегимкулов, Н.А.Муслимов, Н.М.Эгамбердиева, Б.Х.Ходжаев, Н.Ғ.Исматова, Б.Б.Маъмуров, Ф.И.Шарипова, М.Х.Байбаева, Д.Ҳидоятвалар томонидан олий педагогик таълим жараёнини ташкил этиш, ахборотлаштириш, талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш, интерфаол таълим моделини такомиллаштиришнинг педагогик асослари, М.Ғ.Давлетшин, Э.Ғозиев, А.Жабборов, Р.И.Суннатова, З.Т.Нишонова, Н.С.Сафаев, Ш.Ж.Усмонова, Ш.А.Дўстмухамедова қабилар томонидан ўқув фаолиятини бошқариш, ўқув мотивацияси, талабаларнинг индивидуал ўқув фаолиятини ташкил этишнинг психологик хусусиятлари тадқиқ этилган.

Мустақил давлат Ҳамдўстлиги (МДҲ) олимларидан М.Я.Алексеева, Л.П.Борзова, В.В.Давыдов, Р.С.Димухаметов, С.Ю.Жданова, Б.А.Еремеев, Е.Н.Кабанова-Меллер, Е.В.Коротаева, А.Н.Леонтьев, И.Я.Лернер, Р.В.Овчарова, Ю.М.Орлов, С.Я.Ромашина, А.А.Майер, Р.Р.Сағиевлар томонидан талабаларнинг ўқув фаолиятида ўз-ўзини йўналтиришнинг индивидуал-услубий хусусиятлари, педагогик-психологик фасилитациянинг функциялари, тамойиллари ва технологиялари ўрганилган.

Хорижлик S.A.Brown, R.Zajonc, S.Sales, C.R.Rogers, P.Prendville каби олимлар томонидан ўқув-билиш фаолиятининг фалсафий, психологик ва педагогик жиҳатлари, педагогик фасилитация масалалари тадқиқ этилган.

Бироқ педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини педагогик фасилитация воситасида ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, интеллектуал фаолиятни ташкил этишнинг педагогик механизмлари махсус тадқиқ этилмаган. Шунингдек, ўқитувчиларни фасилитацион таълимга тайёрлаш, анъанавий ва фасилитацион таълим моделларининг қиёсий тавсифи, педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш технологиясининг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланиш олиб боришни тақозо этди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4-122 “Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2009–2011 йй.) ва ОТ-Ф1-36 “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш (2017–2021 йй.)” мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади педагогик фасилитация воситасида педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий мослашув билан алоқадорлигини асослаш;

педагогик фасилитациянинг талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш имкониятларини аниқлаштириш;

педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш технологиясини такомиллаштириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятни такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Нукус давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институтларининг 494 нафар респондент-талабалари жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предмети педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келувчи кузатиш, анкета, сўровнома, тест синовлари, педагогик-психологик методикалар, моделлаштириш, қиёслаш, математик-статистик таҳлил ҳамда тажриба-синов методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари (ўқув мотивлари, билишга қизиқиш ва эҳтиёж, рефлексия) интеллектуал фаолликнинг мақсад қўйиш, қарор қабул қилиш, коррекция босқичларининг қайта таъсир этиш даражаси мутаносиблигини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

бўлғуси педагогларда акмеологик позицияни қарор топтиришнинг таркибий асослари (гностик, лойиҳавий, прогностик) талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий мослашув билан бевосита алоқадорлигини эмпирик баҳолаш орқали такомиллаштирилган;

талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятлари педагогик фасилитациянинг аттрактивлик (ўз-ўзига ижобий муносабат), толерантлик, ассертивлик (ўз имкониятларига ишонч) компонентларининг интерфаол ҳамкорликка асосланган таълим жараёнлари тузилмаси билан динамик барқарорлиги асосида аниқлаштирилган;

талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг педагогик фасилитацияга асосланган технологияси модул-кредит тизими талабларини (субъективлик, мустақиллик, амалий йўналтирилганлик) педагогик фанларни ўқитиш жараёнларига адаптив қўллаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий имижини шакллантиришга доир адаптив техникалар мажмуи яратилган;

педагогика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини фасилитаторлик фаолиятига тайёрлашнинг дидактик таъминоти такомиллаштирилган;

педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти, интеллекти тўғрисидаги маълумотларнинг талқинига оид замонавий мулоҳазалар қўламининг кенгайтирилганлиги, педагогик гносеологиянинг янги хулосалар билан бойитилганлиги, яъни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнида умумий интеллект билан ижтимоий-эмоционал кўникмаларнинг ўзаро уйғунлиги динамикасининг аниқланганлиги, унинг қирралари ифодаланганлиги ва талқин қилинганлиги, педагогик фасилитация талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштиришнинг

модернизацион воситаси эканлиги эмпирик асосланганлиги, педагогика олий таълим муассасаларида кредит-модул тизимини жорий этиш талабаларнинг мустақил ишларини технологик ёндашув асосида ташкил этишга боғлиқлиги назарий материаллар асосида бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ижтимоий дезадаптациянинг намоён бўлиш тавсифи ва коррекциясининг аниқлаштирилганлиги, ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш асосида педагогика олий таълим муассасаси талабаларини ижтимоий мослаштиришнинг фаолиятли модели ишлаб чиқилганлиги, педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш шакл ва методларининг модификацияланганлиги, бўлажак ўқитувчиларда касбий имижни шакллантириш техникаларининг адаптив вариантлари, муаллифлик фасилитатив таълим технологиясининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, интеллектуал фаолликнинг мақсад қўйиш, ўз-ўзини баҳолаш, қарор қабул қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш, коррекция компонентларини аниқлаштиришга доир таклифлардан 5110900 – педагогика ва психология бакалавриат йўналишининг Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3983-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар бакалавриат таълим йўналишлари малака талабларини такомиллаштириш ҳамда касбий компетенциялар тизимини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

бўлғуси педагогларда акмеологик позицияни қарор топтиришнинг таркибий асослари, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий мослашув билан бевосита алоқадорлигини таъминлашга доир амалий тавсиялардан ОТ-Ф1-36 рақамли “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” (2015–2017 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3983-сонли маълумотномаси). Натижада талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик механизмлари самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятлари, интерфаол ҳамкорликка асосланган таълим жараёнлари тузилмасини аниқлаштиришга доир тавсиялардан “Олий таълим муассасаларида талабалар билимининг назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3983-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур баҳолаш тизими талабаларнинг ўқув-

билиш фаолиятини ташхис этишда шаффофлик ва объективликни таъминлашга хизмат қилган;

талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг педагогик фасилитацияга асосланган технологиясини модул-кредит тизими талабларини ҳисобга олиш асосида педагогик фанларни ўқитиш жараёнларига адаптив қўллашга доир таклифлардан олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3983-сонли маълумотномаси). Натижада педагогика олий таълим муассасаларида модул-кредит тизимини жорий этишга доир тажрибавий таълим самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, 130 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш масаласанинг педагогик-психологик тадқиқотларда ўрганилиши, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштиришга таъсир этувчи омиллар, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштиришнинг ижтимоий мослашув билан алоқадорлиги баён этилган.

Замонавий педагогика олий таълим муассасаларининг муҳим мақсадларидан бири юқори касбий тайёргарликка эга, ҳар томонлама баркамол, бутун ҳаёт давомида ўқиб-ўрганишга интиладиган, ўзининг билимлар соҳасини кенгайтириб боришга қодир рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашни ўзида акс эттиради. Талабалик даврининг

бошланиши ўспиринлик даври, катта, мустақил ҳаётга қадам қўйилишини англатади.

Талабалик йиллари ёшлар ҳаётининг энг муҳим ривожланиш давридир. Бу даврда ёшлар жисмоний ва маънавий камолотга етадилар, ҳаёт маъносини чуқурроқ англайдилар, жамиятда ўз ўрнини топиш йўлида изланадилар. Худди ана шу даврда юксак идеаллар учун фаол курашувчанлик хусусиятлари шаклланади, ҳаётий тажриба ортади. Бинобарин, талабалик даври орзу ва ишончлар, келажакка интилишлар, бўлажак режаларни белгилаб олиш давридир.

Маълумки, ўқув-билиш фаолияти ҳар доим ўзида учта: ҳиссий-йўналтирилган, жараёнли, назорат-баҳолавчи бўғинни қамраб олади. Шунга мувофиқ, ўқув фаолиятида қуйидаги асосий таркибий қисмлар аниқланади: мотивлар ва ўқув вазифалари, ўқув ҳаракатлари, талабаларнинг ҳаракатларини назорат қилиш ва баҳолаш. Тўлиқ маънода ўқув фаолияти ҳар доим ушбу барча таркибий қисмларнинг бирлиги ва ўзаро алоқадорлигини талаб этади.

Педагогик-психологик адабиётлар таҳлили талабаларда ўқув-билиш фаоллигининг намоён бўлиши ривожланиб боровчи, ўзгарувчан жараён эканлигини кўрсатди. Бу эса, билишнинг ижодий фаоллик даражасига кўтарилиши талабаларнинг аналитик тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилади, деган хулосага келиш имконини беради.

Талаба интеллектуал фаолият субъекти сифатида таълимий жараёнда иштирок этади, билиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда назарий билимларни ўзлаштиради ва, асосийси, педагогик-психологик компетентликка эга бўлади. Билимларнинг ўзигина эмас, балки назарий билишнинг метод ва мазмунини моделлаштириш ва режалаштириш малакалари ҳам ривожланади.

Талабанинг ўқув-билиш фаолияти шунчаки билимлар тизимини эмас, балки объектларнинг генетик асослари, назарий асослари ва муносабатлари тизимини, уларнинг келиб чиқиши ва қайта намоён бўлиш шароитини ташкил этади. Талабанинг ўқув-билиш фаолияти (унинг йўналганлиги, намоён бўлиш табиати) интеллектуал фаолиятни ташкил этиш усулини ҳам ўзида акс эттиради.

Интеллектуал фаоллик ривожланишининг асосий манбаи шахс интеллектуал фаолияти жараёнидир. Шахс маълум шароитларда олам манзарасини англайди. В.В.Давидовнинг фикрича, назарий типда ташкил этилган шахснинг интеллектуал фаолияти ақлий тараққиёт учун энг қулай шароит бўлиб, унинг манбаи у ёки бу ижтимоий муҳит ҳисобланади.

Талаба интеллектуал фаолиятининг муҳим тавсифи сифатида унинг таркибий қисмлари ўртасидаги дифференциаллашган нисбатни кўрсатиш мумкин. Интеллектуал фаолият ривожланиши атроф-оламнинг объектив қонунларини билиш ва таълимий маданиятнинг кенгайиши билан боғлиқ.

Талабанинг интеллектуал фаолияти муайян ҳаракатда бўладиган, ўзлаштириш имконияти ва шароити сифатида хизмат қиладиган, ахборотларни қабул қиладиган ҳамда қайта ишлайдиган психофизиологик механизмлар мавжудлигида ривожланади.

Субъектнинг шахсий ва когнитив ривожланишидаги етакчи омил сифатида талабанинг интеллектуал фаолияти яхлит индивидуалликни намоён этади; унинг моҳиятини тушуниш мазмун, мақсад ҳосил қилиш, рефлексивлик, интеллектуал фаоллик, креативлик, эмоционал ва ҳиссий бошқариш, ўзини ўзи бошқариш, локус-назорат, ижтимоий ўзини ўзи назорат қилиш каби категориялар билан бевосита боғлиқдир.

Интеллектуал фаолиятнинг олий ижодий шакли интеллектуал фаоллик, креативлик ва шахс мотивацияси билан боғланган. Интеллектуал фаолият шахснинг ижтимоий-аҳамиятга эга хусусияти бўлиб, шахснинг индивидуал хусусиятлари билан узвий боғлиқдир. Интеллектуал фаоллик асосида юқорида санаб ўтилган педагогик-психологик тузилмалар ётади, шахс интеллектуал фаолиятининг психик ташкил этилган “тўпланган” шаклидир. Унинг ривожланишидаги навбатдаги босқичга ўтиш алмашинув воситаси ёки дастлабки когнитив вазифаларнинг ўзариши эмас, балки унинг асосида янги ривожланиш босқичида уларни сақлаш ва қайта ҳосил қилиш ётади.

Таҳлил натижаларига мувофиқ педагогика олий таълим муассасаси талабаларини ижтимоий мослаштириш мазмуни ўзаро бир-бири билан боғлиқ учта блокни ўз ичига қамраб олишини кўрсатди:

1. Мослаштиришнинг биринчи босқичини амалга ошириш коммуникатив фаолият методлари орқали таъминланади, улар талабаларга умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларидаги ўзаро ҳамкорлик тизими ўзгарганлиги сабабли юзага келган мулоқот ва ижтимоий мақомга эҳтиёжни қондириш имконини беради. Босқич аввалида яхлит гуруҳда ўзаро ҳамкорлик тизимини жадаллаштиришга имкон берадиган методлардан фойдаланилса, босқич сўнгига келиб, академ гуруҳнинг кичик гуруҳлари функционал ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган методлардан фойдаланилади.

Биринчи босқич талабаларни кичик гуруҳларда ишлаш мотивациясини фаоллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради.

2. Мослаштиришнинг иккинчи босқичида гуруҳда ишлашнинг ўзаро биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйишга доир методлардан фойдаланиш талабаларнинг ўқув фаолиятини уларнинг индивидуал эҳтиёж ва қизиқишларига мувофиқ фаоллаштириш, яқка тартибдаги ҳаракатларнинг натижавийлигини яхшилаш имконини беради. Бундан ташқари, гуруҳ ичида функционал ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш жараёнида талаба олий таълим муассасаси ҳаётий фаолиятига фаол киришади, уларда содир бўлаётган воқеа-ҳодиса ва жараёнларга индивидуал дахлдорлик ҳисси шаклланади.

3. Мослаштиришнинг учинчи босқичи эса қадриятга йўналган фаолият методларидан фойдаланишни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, талабаларда мавжуд тажриба мазмунини юқори даражада англаб етиш имконини беради.

Ижтимоий мослашувнинг зарурияти инсоннинг уни ўраб турган атроф-муҳит билан ўзаро биргаликдаги фаолиятида юзага келувчи мавжуд ўзгаришлар шароитида ёрқин намоён бўлади. Олий таълим муассасасида ўқишнинг дастлабки йилидаёқ талаба кейинги ютуқларининг муваффақияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги муҳит ва фаолият шарт-шароитларига

тўқнаш келади. С.А.Гапонованинг таъкидлашича, кўпчилик талабалар учун янги муҳитдаги шарт-шароитлар – қийинчиликларни енгиб ўтиш жараёни. В.В.Лагерев эса, биринчи курс талабаларининг олий таълим муассасасига мослашуви жадал ва динамик тарзда амалга ошадиган, кўпқиррали ва мажмуавий жараён эканлигини таъкидлаб ўтган.

Юқорида келтириб ўтилган ишлар таҳлилидан маълум бўладики, педагогика олий таълим муассасасида таълим олишнинг ўзига хосликлари куйидагиларда ёрқин намоён бўлади:

1) педагогик-психологик ўзига хосликлар: педагогик олий таълим мазмуни, таълимни ташкил этиш шарт-шароитлари;

2) ижтимоий-психологик ўзига хосликлар: ижтимоий муносабатларнинг янги турини ўзлаштириш заруриятини муваффақиятли амалга оширишга салбий таъсир кўрсатувчи субъектив омиллар (иродавий хусусиятлари ривожининг пастлиги; танлаган касбини эгаллашга иштиёқнинг пастлиги; ўз интеллектуал салоҳияти, олий таълимда муваффақиятли ўқишни давом эттиришга ишончсизлик).

Диссертациянинг **“Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш механизмлари”** деб номланган иккинчи бобида педагогик фасилитация талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш воситаси, ўқув-билиш жараёнида бўлажак ўқитувчиларда касбий имижни шакллантириш педагогик фасилитациянинг муҳим йўналиши эканлиги, педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш технологияси ёритиб берилган.

Фасилитацион таълимда ўқитувчи зарур маълумотларни ижодий эгаллаш, фикр юритишни шакллантириш, маълум материалдаги янги муаммоларни топиш имконига эга бўладилар. Бунда талабалар ўқитувчи билан ва ўзаро ҳамкорликда кўпроқ диалогик муносабатларга киришади, мулоқотда ташаббускор бўлиб, ўқитувчига кўплаб саволлар билан мурожаат қилади, айнан ўқув масалаларини бажариш билан кўпроқ банд бўлади; когнитив фаолиятнинг янада юқори даражаларини аниқлайди.

“Фасилитация” инглизча *facilitate* сўзидан олинган бўлиб, енгиллаштириш, ёрдамлашиш, кўмаклашиш маъноларини англатади. Ушбу тушунча психолог Карл Роджерс томонидан киритилган бўлиб, инглиз забон мамлакатлар таълим муассасаларида кенг фойдаланилади. 1989 йилдан буён Халқаро етакчи фасилитаторлар ассоциацияси (The International Association of Facilitators) фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда унинг фаолиятида 63 давлатнинг 1200 аъзоси иштирок этмоқда. Фасилитатор фаолияти турли моделларда учрайди.

Фасилитация деганда, энг аввало, гуруҳий муаммоларни ҳал этишнинг самарали технологияси тушунилади. Фасилитация шундай жараёни қамраб оладики, бунда фасилитатор барча гуруҳ аъзоларига маъқул келадиган, нейтрал қарор қабул қилишга ҳаққи йўқ, яъни у гуруҳий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади.

Таълимнинг фасилитацион шарт-шароитларига қуйидагилар киради: таълимни ўқитувчи билан талабаларнинг самарали мулоқотга киришиши, билиш усуллари эгаллашда шахслараро мулоқот маданиятини ўзлаштириш тажрибасини тақдим этадиган ҳамкорликдаги фаолият тарзида ташкил этиш; ўқитувчи билан талабалар ўртасида ўзаро ишончга асосланган муносабатларнинг юзага келиши ва ривожланиши учун зарур асосни яратадиган психологик-педагогик қулайлик; таълимнинг диалогик шакллари: ўрганилаётган материални оммавий, кичик гуруҳларда ва жуфтликларда муҳокама қилиш; “ҳозир ва шу ерда” тамойилига асосланган субъектив муваффақият вазиятига эришиш учун ҳар бир таълим олувчининг фаолиятини педагогик-психологик нуқтаи назардан кузатиб бориш; таълимнинг назорат-баҳолавчи функциясини диагностик-коррекцияловчи, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини баҳолаш, ўзига ва ўзининг ўқув фаолияти натижаларига нисбатан танқидий муносабат ривожига кўмаклашувчи восита сифатида амалга ошириш.

Мазкур шарт-шароитларни амалга ошириш натижасида таълим жараёни ҳар бир қатнашчисининг шахсий ривожланиши, ўсиши, шахснинг янги психологик сифатлари, жумладан, рефлексия, ишонч, хайрихоҳлик кабиларни қадриятга йўналтирилган тарзда қабул қилиш, талаба шахсига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, билиш мотивацияси, ўз-ўзини бошқариш, танлов эркинлиги ва толерантлик (бағрикенглик)ни қарор топтиришга эришилади.


Касбий-педагогик фаолият нуқтаи назаридан педагогик фасилитациянинг қуйидаги компонентларини ажратиб кўрсатиш мумкин: аттрактивлик – педагогнинг ўзига эътиборни жалб қилишга интилиши ва талабаларнинг унга нисбатан ижобий муносабатини шакллантириш; толерантлик – сабр-тоқатлилик, бошқаларнинг қизиқишлари, хоҳиш-истаклари, интилишлари ва фикрларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш; ассертивлик – ўз-ўзини ижобий қабул қилиш, ўзига, шахсий қобилиятлари ва имкониятларига ишонч.

Фасилитацияга асосланган педагогик ҳамкорлик фаолияти педагог ва талабаларнинг шахсий ривожланишини таъминлайдиган субъект-субъект муносабатларини қарор топтиришни тақозо этади.

Педагогик фасилитация жараён сифатида педагог ва талабаларнинг шахсий хусусиятлари ва мулоқот услубларини ҳисобга олиш асосида қулай таълим муҳитини яратишга, таълим-тарбия самарадорлигини оширишга, педагогик фаолият субъектларининг ҳар томонлама ривожланишига имкон беради.

Муваффақиятли педагог-фасилитатор сифатида шаклланиши учун ўқитувчининг ўзига фасилитатив хизмат кўрсатиш лозим. Мазкур ҳолатда педагог фасилитациянинг объекти сифатида намоён бўлади. Ўқитувчига муносабатига кўра фаолият субъектлари сифатида олий таълим муассасаси раҳбар ходимлари ва психологи акс этади (1-расм).

Ўқитувчи имижи – таълим олувчилар, ҳамкасблар, ижтимоий борлик, омма онгида ўқитувчи образининг ҳиссий-ифодавий идрок этилиши. Имиж атрофдагилар билан муносабат ўрнатишга ёрдамлашувчи ўзига хос инсоний воситадир.



1-расм. Ўқитувчи педагогик фасилитация объекти сифатида

Шунинг учун ўқитувчи қанчалик касбий тайёргарликка эга бўлмасин, доимий равишда ўз-ўзини такомиллаштириб бориши, ўз имижини яратиши лозим. Афсуски, социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, 19% ўқитувчи ўзининг ташқи қиёфасидан қониқиш ҳосил қилади. Педагог имижини шакллантиришда таълим олувчиларнинг фикрларига таяниш лозим.

Қуйидаги анкета натижалари ўқитувчи имижини катта аҳамиятга эгаллигини кўрсатади ва унинг ўзига хосликларини очишга ёрдам беради. Респондент-талабаларнинг 63% ўқитувчи билан учрашганда, энг аввало, ўқувчилар билан муносабатига, 58% мулоқот услубига, 33% характерига, 21% кийимиغا эътибор


қаратишади. 79% талабалар ўқитувчининг ўқув материални тушунтира олиш кўникмасига, 50% ҳазил-мутойбага мойиллигига, 38% самимийлигига, 33% мулоқотга киришувчанлигига, 4% катъий нуқтаи назарга эгаллиги сифатига кўпроқ эътибор қаратишади. 46% иштирокчи ташқи кўриниш асосий эмаслигини, 29% ўқитувчининг ташқи кўриниши улар учун муҳим эканлигини, 13% аҳамияти йўқлигини, 4% асосийси ўқитувчи тоза ва сипо кўринишга эга бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтишган. 50% респондент ўқитувчи замонавий, бироқ касбига мос кийиниши лозимлигини, 50% ўқитувчи ўзи хоҳлаган тарзда кийиниш ҳуқуқига эгаллигини қайд этишган. 58% иштирокчи кир кийимда юрмаслиги кераклигини, 50% калта юбкада юрмаслигини, 46% жуда пардоз қилиб юбормаслигини, 42% очиқ-сочиқ кийинмаслигини, 13% жинси шим киймаслигини қайд этишган. 58% респондентлар ўқитувчининг шахсий ҳаёти ўқувчиларни қизиқтирмаслиги кераклигини, 33% ўқитувчининг оиласи қизиқтиришини, 21% уларга барибир эканлигини, 8% ўқитувчининг уйда бўлиб қолишга йўқ демаслигини айтиб ўтишган. 58% талабалар ўқитувчи имижининг фанни ўрганишга ижобий, 38% салбий таъсир кўрсатишини, 4% респондент бу саволга жавоб беришга қийналишини таъкидлаб ўтишган.

Тадқиқот натижалари асосида ҳар бир ўқитувчи ўзининг амалий фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган шахсий имижни таркиб топштиришнинг қуйидаги ўзига хосликлари ва психо-педагогик техникалари аниқлаштирилди: ўз-ўзини таҳлил этиш ва ўзи ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш; ўз-ўзига нисбатан мотивация ҳосил қилиш – ўз-ўзини қўллаб-қувватлаш; жозибадорлик – ижобий қиёфани яратиш; шахсий жозибадорлик методикаси; муваффақиятга эришиш техникаси.

Маълумки, педагогик фасилитациянинг асосини талабаларнинг гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш фаолияти ташкил этади. Педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш билан боғлиқликда индивидуал, гуруҳли ва жамоавий иш шаклларида фойдаланишга кенг эътибор қаратилади. Ана шу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда тадқиқот доирасида дастлаб талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган педагогик фасилитация асосида мустақил ишларни ташкил этиш модели ишлаб чиқилди (2-расм). Таклиф этилаётган моделнинг асоси сифатида фасилитацион таълим муҳити белгилаб олинди.

Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш моделига асосланган ҳолда тадқиқот доирасида локал-модулли технология ишлаб чиқилди. Технология тайёрлов, асосий ва креатив босқичларни ўзида акс эттириб, ҳар бир босқичда ўқитувчи ва талабаларнинг фаолияти мазмуни ҳамда ушбу босқичларга мос топшириқлар тизими ишлаб чиқилди.

Талабаларнинг мустақил билиш фаолияти даражасини (юқори, ўрта, паст) ҳисобга олган ҳолда ўқув топшириқлари уч гуруҳга ажратилди. Биринчи турдаги ўқув топшириқлари репродуктив, иккинчи турдаги ўқув топшириқлари қисман-изланишли, учинчи турдаги ўқув топшириқлари ижодий билиш фаоллигига асосланиб ишлаб чиқилди.



2-расм. Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш модели: ПЎ – профессор-ўқитувчи; Т – талаба; Н – натижа; Т – тўсиқлар; Тмд – талабаларнинг мустақиллик даражаси; Ўн – ўз-ўзини назорат қилиш; Мтт – мустақил таълимни ташкил этиш

Педагогик фасилитацияга асосланган таълим мазмуни “Умумий педагогика” фанининг тажрибавий модулли-кредит дастури асосида амалга оширилди. Ўқитиш шакллари сифатида интерфаол маъруза (диалогли, мунозарали ва ҳ.к.), семинар (ишбилармонлик ўйини, диспут ва ҳ.к.), практикum (тренинг, ролли ўйин ва ҳ.к.), курс иши, конференция, ўқув амалиёти, малакавий педагогик амалиёт кабилардан фойдаланилди. Ўқитиш методлари сифатида муаммоли, рефлексив, лойиҳа, аниқ вазиятлар таҳлили; воситалари сифатида электрон ўқув қўлланмалар, аудиовизуал воситалар, педагогик вазиятлар кабилар қўлланилди. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш ҳар бир машғулот учун аниқ мезонларга асосланган рейтинг асосида амалга оширилди.

Диссертациянинг “**Педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш самарадорлиги**” деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари ёритиб берилган.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг мустақил ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш модели ва технологияси уни баҳолаш мезонлари мажмуини тақозо этади. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг қўйидаги мезонлари мажмуи ишлаб чиқилди: билимларни эгалланганлик, ўқув, касбий вазифаларни ҳал этишда билимларни қўллай олиш кўникмасининг шаклланганлиги, мустақил билиш фаоллиги, мустақил ўқув-

билиш фаолиятини ташкил этиш. Билимларнинг эгалланганлик мезони учун юқори, ўрта ва паст даражаларга мос келувчи “5”, “4”, “3” баҳо асос сифатида олинди. Билимларни қўллай олиш кўникмасининг шаклланганлиги мезони учун умумкасбий (фанлараро боғлиқлик асосида билимларни қўллай олиш кўникмаси), функционал (педагогик фанлардан эгалланган билимларни қўллай олиш), операцион (ўқув материали бўйича эгалланган билимларни қўллай олиш) даражалар белгиланди. Мустақил билиш фаоллиги мезони учун ижодий (тадқиқотчилик, ижодий топшириқларни бажаришга доир мустақил ўқув фаолияти), вариатив (алгоритмлаш, вариативликка асосланган топшириқларни бажариш), репродуктив (намуна, таниш вазиятлар асосида ўқув топшириқларини бажариш) даражалар танланди.

Натижада талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва даражалари тизими аниқлаштирилди (1-жадвал).

1-жадвал

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими

Даражалари	Мезонлари		
	Билимларни эгаллаганлик	Кўникмаларнинг шаклланганлиги	Мустақил билиш фаоллиги
Юқори	5; 4	Умумкасбий	Ижодий
Ўрта	4; 5	Функционал	Вариатив
Куйи	3; 4; 5	Операцион	Репродуктив

Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш модели ва технологияси бўйича тажриба-синов ишлари Тошкент давлат педагогика университети, Нукус давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институтлари базасида икки босқичда амалга оширилди: асословчи тажриба-синов ишлари 2014–2016 йилларда, шакллантирувчи тажриба-синов ишлари 2017 йил сентябридан 2019 йилнинг июнь ойига қадар ўтказилди. Тажриба гуруҳларида 246 нафар, назорат гуруҳларида 248 нафар, жами 494 нафар талаба тажриба-синов ишларига жалб этилди.

Тажриба-синов натижаларига кўра, ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштиришнинг самарадорлик даражаси қуйидагича белгиланди (2-жадвал):

Ўтказилган тажриба-синов ишлари натижасида олинган маълумотларнинг статистик таҳлилини амалга оширишда Вилкоксон-Манн-Уитни (ВМУ) мезонидан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишлари натижалари тажриба ва назорат гуруҳларининг дастлабки ҳолатлари 0,05 даража аниқликка мос келгани ҳолда тажриба

сўнгидаги ҳолатлари (натижалар) фарқининг ишончлилик даражаси 95% ни ташкил қилганини кўрсатди.

2-жадвал

Тажриба-синов натижаларига кўра талабалар ўқув-билиш фаолиятининг самарадорлик даражаси

Мезонлар	Даражалар	Гуруҳлар	Тажриба-синов босқичлари	
			Тажриба аввалида	Тажриба сўнгида
Билимларни эгаллаганлик	юқори	Назорат гуруҳи	21,7	27,4
		Тажриба гуруҳи	32,8	89,3
	ўрта	Назорат гуруҳи	34,1	43,2
		Тажриба гуруҳи	31,9	78,5
	паст	Назорат гуруҳи	34,2	40,4
		Тажриба гуруҳи	28,3	93,2
Кўникмаларнинг шаклланганлиги	юқори	Назорат гуруҳи	32,6	34,8
		Тажриба гуруҳи	33,7	85,8
	ўрта	Назорат гуруҳи	30,9	34,2
		Тажриба гуруҳи	30,8	82,9
	қуйи	Назорат гуруҳи	20,5	25,0
		Тажриба гуруҳи	23,5	80,3
Мустақил билиш фаоллиги	юқори	Назорат гуруҳи	24,8	38,6
		Тажриба гуруҳи	37,9	92,7
	ўрта	Назорат гуруҳи	22,8	36,8
		Тажриба гуруҳи	41,7	90,1
	қуйи	Назорат гуруҳи	20,4	24,6
		Тажриба гуруҳи	27,4	87,2

Ўтказилган тажриба-синов натижалари ВМУ мезонини қўллаган ҳолда ҳисоб-китоб қилинганда унинг эмпирик қиймати $W_{эмп} = 0,2309$ ни ташкил қилди. $W_{эмп} = 0,2309 \leq 1,96$ бўлгани учун таққосланаётган танламаларнинг тавсифлари 0,05 даражага мос келди.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқотимиз натижалари тажриба-синов ишларини амалга ошириш учун илгари сурилган фаразнинг тўғрилигини тўлиқ тасдиқлади: педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг ўқув-билиш фаолияти самарадорлиги профессор-ўқитувчиларнинг педагогик фасилитация имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши, фасилитацион ёндашув асосида талабаларда мустақил билиш фаоллигини ривожлантириши ва ўқув-билиш фаолиятини мустақил ташкил этиш малакаларини таркиб топтиришига бевосита боғлиқдир.

ХУЛОСА

Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Талабалик йилларида ўқув-билиш фаолиятининг ривожланиши қатор ўзига хосликларига эга. Мазкур даврда ўз-ўзини таҳлил этиш қобилияти ва ўзи ҳақидаги (ўзининг хатти-ҳаракатлари, ҳис-туйғулари, хулқ-атвори, характери) билимларни умумлаштириш, тизимлаштириш эҳтиёжининг ошиб бориши кузатилади. Ўзини маълум бир идеаллар билан қиёслаш юзага чиқади, ўз-ўзини тарбиялаш имконияти фаоллашади. Дунёқараш ва назарий муаммоларга қатъий нуқтаи назар намоён бўлади (интеллектуал ҳис-туйғулар фаол ривожланади).

2. Ўқув-билиш фаолияти ҳар доим ўзида учта: ҳиссий-йўналтирилган, жараёнли, назорат-баҳоловчи бўғинни қамраб олади. Шунга мувофиқ, ўқув-билиш фаолиятининг қуйидаги асосий компонентлари аниқланди: мотивлар ва ўқув вазифалари, ўқув ҳаракатлари, талабаларнинг ҳаракатларини назорат қилиш ва баҳолаш.

3. Педагогик-психологик адабиётлар таҳлили талабаларда ўқув-билиш фаоллигининг намоён бўлиши ривожланиб боровчи, ўзгарувчан жараён эканлигини кўрсатади. Бу эса билиш фаоллигининг ижодий фаоллик даражасига кўтарилиши талабаларнинг аналитик тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилади, деган хулосага келиш имконини беради.

4. Педагогик фасилитация қулай муҳит яратиш, талабаларда ўз кучига ишонч орттириш, улардаги мустақил самарали фаолиятга эҳтиёжни қўллаб-қувватлаш мақсадида талаба, кичик гуруҳлар ишига ижобий таъсир кўрсатиш механизми сифатида хизмат қилади.

5. Фасилитацион таълимда ўқитувчи зарур маълумотларни ижодий эгаллаш, фикр юритишни шакллантириш, маълум материалдаги янги муаммоларни топиш имконига эга бўлади. Бунда талабалар ўқитувчи билан ва ўзаро ҳамкорликда кўпроқ диалогик муносабатларга киришадилар, мулоқотда ташаббускор бўлиб, когнитив фаолиятнинг янада юқори даражасини ўзлаштирадилар.

6. Таълимнинг фасилитацион шарт-шароитларининг афзалликлари шундаки, таълим олувчилар ўқув-билиш фаолиятдан бегоналашувининг олди олинади. Зеро, дўстона ўзаро ҳамкорлик, таълимнинг интерфаол

методлари таълим олувчига муносиб ижтимоий-психологик мақомни эгаллаш имконини берадики, бу унинг тенгдошлари орасида, оилада, олий таълим муассасасида ва умуман жамиятда муносиб ўринни эгаллашига хизмат қилади.

7. Касбий-педагогик фаолият нуқтаи назаридан тадқиқот доирасида педагогик фасилитациянинг қуйидаги компонентлари аниқлаштирилди: аттрактивлик – педагогнинг ўзига эътиборни жалб қилишга интилиши ва талабаларнинг унга нисбатан ижобий муносабатини шакллантириш; толерантлик – сабр-тоқатлилик, бошқаларнинг қизиқишлари, хоҳиш-истаклари, интилишлари ва фикрларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш; ассертивлик – ўз-ўзини ижобий қабул қилиш, ўзига, шахсий қобилиятлари ва имкониятларига ишонч.

8. Ўқитувчи имижини – таълим олувчилар, ҳамкасблар, ижтимоий борлик, омма онгида ўқитувчи образининг ҳиссий-ифодавий идрок этилиши. Имиж атрофдагилар билан муносабат ўрнатишга ёрдамлашувчи ўзига хос инсоний воситадир. Шунинг учун ўқитувчи қанчалик касбий тайёргарликка эга бўлмасин, доимий равишда ўз-ўзини такомиллаштириб бориши, ўз имижини яратиши лозим.

9. Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда индивидуал, гуруҳли ва жамоавий иш шаклларида фойдаланишга кенг эътибор қаратилди. Айниқса, талабаларнинг ҳамкорликда ишлаш кўникмасини шакллантириш орқали уларни педагогик касбига тайёрлаш муҳим аҳамият касб этди. Ана шу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш модели ва локал-модулли технологияси ишлаб чиқилди. Технология тайёрлов, асосий ва креатив босқичларни ўзида аке эттириб, ҳар бир босқичда ўқитувчи ва талабаларнинг фаолияти мазмуни ҳамда ушбу босқичларга мос топшириқлар тизими ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1) талабаларнинг мустақил ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштиришнинг концептуал моделларини ишлаб чиқиш ва таълим амалиётига татбиқ этиш зарур. Айниқса, модулли-кредит таълим тизими шароитида педагогик олий таълим жараёнини ташкил этишнинг миллий моделларига алоҳида эҳтиёж юзага келади;

2) талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш учун таълимнинг индивидуаллаштирилган ва табақалаштирилган технологияларини ўқув амалиётига самарали татбиқ этишга эришиш лозим. Айниқса, гендер ва нейропедагогик ёндашув асосида талаба-йигитларнинг педагогик касбига қизиқишини ошириш лозим;

3) малака ошириш курсларида ўқитиладиган “Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш” модули мазмунини фасилитацион таълим технологиялари ва ўқитувчиларни фасилитаторлик фаолиятига тайёрлашга доир ўқув материаллари билан бойитиш мақсадга мувофиқ;

4) педагогика олий таълим муассасаларида “Педагогик фасилитация”, “Педагогик имиж ва компетентлик” электив (махсус) курсларини ўқитишни йўлга қўйиш лозим;

5) талабаларнинг мустақил ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш жараёнини узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиликлар билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Ped.20.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ, НУКУССКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ,
УРГЕНЧСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

БЕКТУРСЫНОВА ЛАЛАХАН ХОЖАНАЗАРОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕБНО-ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ ПОСРЕДСТВОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ФАСИЛИТАЦИИ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

НУКУС – 2019

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом масштабе дальнейшее углубление политического, социально-экономического, социального и культурного развития, необходимость подготовки специалистов с высоким потенциалом – социально активных граждан, необходимых для построения свободного гражданского общества, способных к совместной деятельности личностей, конкурентоспособных на рынке труда и в условиях рыночных отношений, еще больше актуализируют проблему воспитания педагогических кадров. В международной программе по подготовке педагогических кадров в качестве важной задачи определены совершенствование тактики, направленной на “мыслительную практику” (reflective practitioner) развития учебно-познавательной деятельности студентов, усовершенствование педагогических механизмов обеспечения соответствия творческого и рационального подходов.

В мире проводится ряд научных исследований по определению педагогико-психологических особенностей совершенствования учебно-познавательной деятельности студентов педагогического высшего образовательного учреждения, разработке фасилитативных технологий развития социально-эмоционального интеллекта у будущих учителей на основе фасилитационного подхода. Вместе с тем отдельное значение приобретают разработка профессионально-педагогических технологий развития когнитивной и социально-культурной компетенций студентов, совершенствование рефлексивных механизмов формирования профессионального имиджа будущих учителей. Особенно большое внимание уделяется воспитанию культуры толерантности у студентов педагогических высших образовательных учреждений посредством педагогической фасилитации, развитию инновационной компетентности в организации и реализации интерактивного образования.

В нашей стране последовательно продолжается политика дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения возможностей качественных образовательных услуг, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными требованиями рынка труда. В частности, проводится широкомасштабная работа по поднятию на основе передовых зарубежных опытов системы образования и воспитания на новый уровень, разработке и внедрению в практику инновационных механизмов подготовки педагогических кадров. Вместе с тем важное значение приобретают разработка инновационной системы подготовки педагогических кадров, совершенствование механизмов осуществления научных исследований в области педагогики с прицелом на перспективные цели. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены такие важные задачи, как «повышение качества и эффективности деятельности высших образовательных учреждений на основе внедрения

международных стандартов оценки качества образования и обучения»¹. А это обуславливает актуальное значение совершенствования учебно-познавательной деятельности студентов в повышении качества и эффективности высшего образования, педагогических механизмов развития интеллектуального потенциала.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», Постановлениях главы государства № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», № ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Теоретико-исторические основы устойчивого развития интереса и потребности получающих образование к учению и познанию освещены в энциклопедических трудах таких мыслителей Востока, как Имам аль-Бухари, Абу Наср Фараби, Абу Райхан Беруни, Бурхониддин Зарнуджи.

Отечественными учеными Р.Х.Джураевым, О.Мусурмоновой, Р.Ф.Сафаровой, Ф.Р.Юзликаевым, У.Ш.Бегимкуловым, Н.А.Муслимовым, Н.М.Эгамбердиевой, Б.Х.Ходжаевым, Н.Г.Исмаевой, Б.Б.Маъмуровым, Ф.И.Шариповой, М.Х.Байбаевой, Д.Хидоятовой изучены вопросы организации процесса педагогического высшего образования, информатизации, личной и профессиональной социализации студентов, педагогических основ совершенствования интерактивной образовательной модели, а М.Г.Давлетшин, Э.Гозиев, А.Жабборов, Р.И.Суннатова, З.Т.Нишонова, Н.С.Сафаев, Ш.Ж.Усмонова, Ш.А.Дустмухамедова изучали управление учебной деятельностью, учебную мотивацию, психологические особенности организации индивидуальной учебной деятельности студентов.

Учеными стран Содружества Независимых Государств (СНГ) М.Я.Алексеевой, Л.П.Борзовой, В.В.Давыдовым, Р.С.Димухаметовым, С.Ю.Ждановой, Б.А.Еремеевым, Е.Н.Кабановой-Меллер, Е.В.Коротаевой,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан за №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017, № 6, ст. 70.

А.Н.Леонтьевым, И.Я.Лернером, Р.В.Овчаровой, Ю.М.Орловым, С.Я.Ромашинной, А.А.Майером, Р.Р.Сагиевым изучены индивидуально-методические особенности самоориентации в учебной деятельности студентов, функции, принципы и технологии педагогико-психологической фасилитации.

Из зарубежных исследователей такие ученые как S.A.Brown, R.Zajonc, S.Sales, C.R.Rogers, P.Prendville исследовали философские, психологические и педагогические аспекты учебно-познавательной деятельности, вопросы педагогической фасилитации.

